

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ АҲОЛИ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ЯХШИЛАШ, МАМЛАКАТ ВА ҲУДУДЛАР ЭКСПОРТ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШДАГИ ЎРНИ

Зилола Салимжон қизи Салимжонова  
Фарғона давлат университети ўқитувчи  
salimzilola142@gmail.com

Эркинжон Қобилжон ўғли Турғунов  
Фарғона давлат университети магистр

### АННОТАЦИЯ

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий янгиланиш ва ўзгаришлар шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт фаолиятини кенгайтириш борасидаги мавжуд муаммоларни таҳлил қилиш. Тадбиркорлик функцияларини аниқлашнинг асосий мезони бўлиб унинг фаолияти натижаси ҳисобланиши керак. Ушбу мезонга асосланиб биз тадбиркорликнинг асосий функцияси бу – жамиятнинг доимо ўсиб, шаклланиб борувчи товарлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондиришдан иборат. Тадбиркорликнинг ушбу асосий функцияси унинг бошқа функциялари, яъни товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш янги иш ўринлари яратиш, бюджетнинг даромад қисмини кўпайтириш ва бошқалар билан боғлиқ.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият, экспорт, импорт, экспортни қўллаб-қувватлаш, солиқ ва божхона имтиёзлари, ҳаёт даражаси ва сифати.

### ABSTRACT

Analysis of existing problems in expanding export activities of small business and private business entities in the conditions of economic renewal and changes taking place in Uzbekistan. The main criterion for determining the functions of entrepreneurship should be the result of its activity. Based on this criterion, we believe that the main function of entrepreneurship is to satisfy society's ever-growing needs for goods and services. This main function of entrepreneurship is related to its other functions, i.e. production of goods and services, creation of new jobs, increase of the income part of the budget, etc.

**Keywords:** small business, private entrepreneurship, foreign economic activity, export, import, export support, tax and customs benefits, standard and quality of life.

## КИРИШ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислохотлар миллий давлатчилик ва суверенитетни мустаҳкамлаш, хавфсизлик, ҳуқуқ-тартибот, давлатимиз чегаралари дахлсизлиги, жамиятда қонун устуворлиги, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик муҳитини таъминлаш учун муҳим пойдевор яратди. Халқимизнинг муносиб ҳаёт кечирishi, фуқароларимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш учун асос бўлмоқда

Глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизнинг янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожланиши учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш зарур. Қайси соҳада бўлмасин, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг провард натижаси халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Она диёримизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётдан мамнун бўлса, орзу - ҳавасларини рўёбга чиқара олса, хонадони тинч, оиласи тотув бўлиб, моддий жиҳатдан муҳтожлик сезмаса, давлатдан албатта миннатдор бўлади.

Глобал инқироз ва коронавирус пандемияси Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг экспорт салоҳиятини оширишда давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Шунингдек, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўзига ҳос ҳудудий хусусиятларга эгаллиги бу соҳада маҳсус илмий тадқиқотларни олиб боришни тақозо этмоқда.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Хусусий тадбиркорликнинг назарий асослари ва унинг иқтисодий табиати А.Смит., Р.Кантильон., Ж.Б.Сей., А.Хоскин., Й.Шумпетер., Хизрич Р., Питерс М. ва бошқаларнинг асарларида ёритилган. Тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестицион фаоллигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва истиқболлари бўйича рус олимларидан А.Г.Гранберг, В.Г.Гутман, И.А.Родионова, А.В.Бусыгин, В.М.Власова, А.М.Самозкин, С.Ф.Борисов, В.В.Радаев ва бошқалар тадқиқотлар олиб борганлар.[5]

Ўзбекистонда ва унинг ҳудудларида тадбиркорликни ривожлантириш ва унинг инвестицион фаоллигини таъминлашнинг ҳудудий хусусиятлари ва истиқболларининг назарий жиҳатлари ва айрим ҳудудий хусусиятлари иқтисодчи олимларимиз Абдусаломов М., Т.М.Ахмедов, А.М.Содиқов, Солиев А.С., О.Абдуллаев, А.А.Қаюмов, Ф.Т.Эгамбердиев, Ш.Ш.Шодмонов, Т.Т.Жўраев,

К.Муфтайдинов, Д.С.Алиматова, А.А.Кулматов, Н.К.Мурадоваларнинг илмий ишларида тадқиқ этилган.[6]

Юқорида келтирилган илмий ишларда иқтисодий эркинлаштириш даврида хусусий тадбиркорликнинг назарий асослари, моҳияти, уни ривожлантириш хусусиятлари тадқиқ этилган. Худудларнинг табиий-ресурс салоҳияти, худудий ишлаб чиқариш мажмуаларининг ривожланиш хусусиятлари ва унда ишлаб чиқариш кучлари ривожланиши истиқболлари кенг тадқиқ этилган.

Методологик нуқтаи назаридан тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг назарий асосларини такомиллаштиришда мавжуд институционал механизмнинг бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги, улар ўртасида юзага келадиган номутаносибликлар ва узилишларни аниқлашни ўз ичига олувчи селектив ёндашувни қўллаш зарур.

Инглиз классик иқтисодий мактаби таълимотида кўра тадбиркор – бу капитал мулкдори бўлиб, у фойда олиш мақсадида таваккалчиликка боради. Бу таълимотда тадбиркорлик жамият учун фойдали фаолият тури бўлишининг шарт шароитлари кўрсатиб ўтилган.[5] Бу тадбиркорларни жамият эҳтиёжларига мос келадиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга, бозор рақобати муҳитига мослашишга ва фойда олишдан манфатдор бўлганликлари учун уларни маълум меъёрларга амал қилишга мажбур қилади.

Австрия иқтисодий мактабининг вакилларида бири бўлган Ф.Визернинг хулосаларига кўра тадбиркорнинг етакчилиги унда корхона ташкил этиш ғоясининг туғилишидан бошланади: у нафақат капитални таъминлаб беради, шу билан бирга янги ғояни таклиф этади, режани аниқлаштиради ва мутахассисларни жалб этади. Корхона ташкил этилганида эса тадбиркор назарий ва тижорат масалалари бўйича бошқарувчига айланади.

И.Шумпетерни олсак, унинг концепциясига кўра тадбиркорнинг асосий вазифаси техник ихтирочиликдан ёки товар ишлаб чиқаришнинг турли имкониятларидан фойдаланган ҳолда янги хом ашё манбаларини, маҳсулот сотиш бозорларини топиш, ишлаб чиқаришни қайта ташкил этиш ва бошқалар орқали ишлаб чиқаришни ислоҳ этиш ва ривожлантиришдан иборат. Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти ишлаб чиқариш ва муомала омилларидан фойдаланишда, унинг “турли янги инновацион камбинацияларини вужудга келтириш” [5]да номоён бўлади. И. Шумпетер тадбиркорликнинг қуйидаги беш муҳим томонини келтиради: истеъмолчиларга номаълум бўлган, янги товарларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, янги технологияларни қўллаш орқали товарларнинг

тижоратбоблигини таъминлаш; янги товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш; янги хом ашёлардан фойдаланиш; соҳа фаолиятини такомиллаштириш. Шунингдек, у «Тадбиркор мулкдор бўлиши шарт эмас, у ёлланувчи бўлиши ҳам мумкин. Тадбиркор янги инновацион комбинацияларни амалга оширувчи шахсдир», деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунига мувожаат қилсак, унда - «Тадбиркорлик - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият», [3] деб таъриф берилди.

## НАТИЖАЛАР

Бугунги кунда иқтисодий фан ривожланишида тадбиркорлик, макромухит билан боғлиқликда, ярим функционал фаолият тури сифатида баҳоланмоқда. Тадбиркорлик тушунчаси эса икки асосий ёндашув нуқтаи назаридан тадқиқ этилмоқда. Биринчиси, вақт омилида объектив ва ўзгармас сифатида ташқи муҳитнинг аниқ шарт-шароитида қабул қилиниб, тадбиркорлик ва унинг фаолиятига урғу берилди. Иккинчи ёндашув тадбиркорлик фаолиятининг ички муҳит билан боғлиқлигига кўпроқ эътибор қаратади. Бу икки ёндошувнинг бир бирига нисбатан устунлиги тадқиқот олдида қўйилган мақсад ва вазифаларга боғлиқдир. Корхонани сақлаб қолиш ва ривожлантириш масалалари тадқиқ этилганида чизиқли ёндошувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Корхонанинг ривожланиш тенденциялари тахлилида эса чизиқли ёндошувдан фойдаланиш унинг мақсадига мос келмайди. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, тадбиркорлик фаолияти моҳиятини тўла ёритишда, унинг самарадорлигига таъсир этувчи ички ва ташқи муҳит билан ўзаро алоқаларини ифода этувчи диалектик ёндошув зарур.

Тадбиркорликнинг моҳиятини ёритишда тадбиркорлик концепцияси муаллифлари унинг натижаси бўлган фойдага асосий эътиборни қаратадилар. Тадбиркорликнинг моҳиятини очиқ бериш – фойданинг вужудга келиши манбайини ёритишдан иборат. Тадбиркорлик фойдаси масаласига урғу беришда бошқача ёндашув зарур ва бу нисбатан аниқ ва тўғри ёндошув бўлади. Яъни фойда олишнинг самараси ва муваффақиятига (узоқ муддатга) тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг зарурий шarti сифатида қарашдир. Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини юритишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучига

фақат фойда олиш деб қараш ҳам тўғри эмас, чунки у мавжуд далилларга қарама-қаршидир; хусусан хусусий корхоналарнинг асосий қисми ўз фаолиятининг камида бир йили давомида фойда олиш имкониятларига эга бўлмайдилар.

Бозор иқтисодиёти ривожланишининг постиндустриал босқичида корхона ва ташкилотлар хўжалик юритиши фаолиятининг асосий шакли сифатида бозор ноаниқликларни енгиш учун самарали муқобил вариантларни қидиришдан иборат. Корхона “рационализаторлик руҳияти” асосида шаклланади, унинг моҳияти бозор ноаниқликларига қарши режали фаолият кўрсатаётган корхонани вужудга келтиришдан иборат.

## МУҲОКАМА

Биз шуни таъкидлаб ўтмоқчимизки, амалиётнинг кўрсатишича кўп ҳолларда тадбиркорлик фаолиятининг натижаси бўлиб янги ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳисобланади. Бугунги кунда иқтисодий соҳада рақобат муҳитини шакллантириш, янги иш фаолиятини бошлаётган тадбиркорларнинг ўз ишидан юқори тижорат фойда олишга интилиши, жамиятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжи ва бошқаларни талаб этади. Жаҳонда кенг ривожланган инновацион тадбиркорликнинг мазмуни фан сиғими юқори бўлган маҳсулот ва юқори технологияларни яратишда ифодаланади. Ривожланган давлатларда инновацион фаолиятни олиб борувчи фирмаларнинг мамлакат экспортдаги улуши 30 % дан кўпроқни ташкил этмоқда.

Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорликнинг шаклланиши ва амал қилиши ўзига ҳос хусусиятларига эга. Биз хусусий корхоналарнинг шаклланиши ва ривожланишида мавжуд бўлган муаммолар хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида кичик тадбиркорликнинг етарли даражада ривожланмаётганлигига қуйидагиларга боғлиқ:

1. Ўзгариб бораётган бозор муносабатларига етарли даражада мослаша олмаётганлиги. Ишчиларни моддий рағбатлантиришнинг етарли даражада эмаслиги, малакали кадрларни танлаш ва уларни ўқитиш имкониятларининг чекланганлиги, бозорнинг ўзгариб борувчи шароитларида хом ашё ва материалларни сотиб олиш учун керакли бўлган маблағларнинг чекланганлиги.

2. Замонавий маркетинг ва менежмент технологияларининг танқислиги;



3. Кичик корхоналарнинг ўз мулклари ва кредитга олинган ресурслар ўртасидаги нисбатининг қониқарли ҳолатда эмаслиги, катта ҳажмда дебитор ва кредитор қарзларининг мавжудлиги ёки банкротлик муолажасини амалга оширадиган корхоналарнинг қуйи даражадаги тўлов қобилияти.

4. Корхонани тугатиш ва пулни қимматли қоғозларга қўйиш.

5. Бир корхонани тугатиш ва бу корхона мулкани сотиш ҳисобидан вужудга келган эркин капитал ва даромадлар асосида янги корхонани ташкил этиш.

Хусусий корхоналар амал қилишининг муҳим белгиси сифатида уларнинг самарадорлиги кўрсаткичини келтириш мумкин. Кўпгина тадқиқотчилар хусусий корхоналарнинг самарадорлиги муаммосини ўрганишда чет эл тажрибасига алоҳида эътибор берадилар. Масалан, Қ.А. Муфтайдинов таъкидлаб ўтадики кичик корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари одатда бир хил эмас.[2] Мисол тариқасида капиталда фойда нормаси, қўшилган қиймат ёки фойда ҳажмининг бир ишчига тўғри келиши каби кўрсаткичлар тавсия этилади. Биринчи кўрсаткич бўйича кичик корхоналар йирик коорпорацияларга нисбатан кескин орқада қоладилар ва аксинча, иккинчи кўрсаткич бўйича кичик корхоналар йирик коорпорациялардан анча олдинга ўтиб кетадилар. Ўзбекистон иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрнини тадқиқ этишда, биринчидан, корхоналарнинг тўлов қобилияти, иккинчидан уларнинг молиявий барқарорлиги, учинчидан, эса корхоналарнинг молиявий ва иқтисодий таназзулга учраган вақтларида кичик тадбиркорлик субъектларининг барқарор иқтисодий фаолият олиб боришлари муҳим аҳамиятга эга.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим хусусияти бу уларнинг иқтисодий таназзул даврида нисбатан юқори барқарорлигидир. Кичик хусусий корхоналар қуйи даражадаги алоҳида молиявий кўрсаткичларига эгалар. Шу билан бирга уларда ташқи кредит ресурсларига эҳтиёж юқори даражада бўлади. Бу корхоналарнинг ресурс самарадорлиги кўрсаткичи уларнинг хусусий молиялаштириш манбаларига таяниш имкониятини бермайди. Лекин кредитлаш тизимини тадбиркорликни ривожлантириш манфаатларига йўналтириш иқтисодиётнинг реал секторида кредит ташкилотлари ва тадбиркорлик субъектлари томонидан кўпгина муаммоларни ҳал этишни талаб этади. Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга ошириш жараёнида хусусий тадбиркорликни устувор даражада ривожлантириш учун кредит ташкилотлари

куйидаги тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир:

- банкларнинг кредит операциялари қийматини пасайтирувчи стандартлаштирилган муолажаларини ўтказишлари;
- қисқа муддатли банк пасивларини ошириш ҳисобига банк активлари ва пасивларининг ликвидлигини ошириш;
- республика ва ҳудудлар миқёсида кичик корхоналарни кредитлар билан таъминлашда кредит тавақалчилигини пасайтириш механизмини шакллантирадиган турли хил кафолатларни юзага келтириш.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг амал қилиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан унинг йирик тадбиркорлик билан боғлиқлиги ва ҳамкорлигига боғлиқ. Бу ўринда кичик ва йирик корхоналар ўртасидаги муносабатлар қандай шаклларда амалга оширилиши ва бу ҳамкорлик кичик тадбиркорликни қандай оқибатларга олиб келишинг аниқлаш муҳим бўлиб ҳисобланади. Иқтисодий адабиётларда таъкидланишича кичик ва йирик тадбиркорлик субъектларининг ҳамкорлиги асосан тўрт шаклда амалга оширилади:

1. Ички пудрат муносабатлари;
2. Франчайзинг;
3. Венчурли молиялаштириш;
4. Лизинг.

Маълумки, ички пудрат муносабатлари АҚШ, Ғарбий Европа мамлакатлари, Япония ва Осиё – Тинч океани ҳудудларининг баъзи бир давлатларида кенг ривожланган. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида ва бошқа МДХ мамлакатларида ҳам бу муносабатлар мавжуд. Бироқ, мазкур давлатларда ички пудрат муносабатлари юқори даражада ривожланмаган. Бугунги кунда йирик ва кичик корхоналар ўртасидаги кенг ҳамкорликни савдо ва турли тижорат хизматлари соҳаларида кузатиш мумкин. Саноатда эса бундай интеграцион ҳамкорлик ички пудрат муносабатлари кўринишида юқори даражада шаклланмаган.

Ўзбекистон Республикасида йирик ва кичик корхоналар ўртасидаги ҳамкорликнинг франчайзинг шакли асосан умумий овқатланишда, мехмонхона бизнесида, уй-рўзғор техникаларини, кийим-кечак, пойабзал ва бошқа товарларни ишлаб чиқаришда шаклланган бўлсада бироқ бугунги кунда франчайзинг муносабатлари ҳали мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналарининг катта қисмини қамраб олмаган. Ўзбекистон Республикасида МДХнинг бошқа мамлакатларидан фарқли равишда франчайзинг тизими шакллантирилиб,

республикамизда касаначилик муносабатлари ривожланиб бормоқда.

Лизинг муносабатларини кўриб чиқадиган бўлсак, улар мамлакатимиз иқтисодиётининг ҳаётий муҳим баъзи тармоқларидагина (авиация транспортида, қишлоқ хўжалигида) кенг ривожланган, лекин умуман олганда бу шакалдаги ҳамкорлик миллий иқтисодиёт миқёсида бор йўғи 1% атрофидаги аосий капиталнинг шаклланишига хизмат қилмоқда. Республикамиз иқтисодиётида винчурли молиялаштириш муносабатлари юқори даражада ривожланмаган, чунки уларда инновацион тадбиркорликнинг улуши нисбатан катта эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 80% кўпроғи хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилмоқда. Мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоизидан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. Ҳозирги кунда ялпи ички маҳсулотнинг 53,9% яқини, ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг 27,5% ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 97,0% айнан шу соҳа –хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келмоқда.

Жаҳонда ва Ўзбекистонда глобал инқироз ва коронавирус пандемияси тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг инвестицион фаоллигини ошириш учун ташқи таҳдид ҳисобланади. Бу даврда қўлланилган карантин чоралари туфайли тадбиркорлик фаолияти сусайди. 2020 йилнинг январь-июнь ойларида 2019 йилнинг мос даврига нисбатан янги ташкил этилган кичик корхона ва микрофирмалари сони 7443 тага камайди. Кичик тадбиркорликнинг улуши ЯИМда -0,2%га, саноатда -7,5%га, қишлоқ,ўрмон ва балиқчилик хўжалигида -0,3%га, қурилишда -5,4%га, савдода-3,1%га, экспортда -4,8%га, импортда -12,1%га камайди.

Хусусий тадбиркорликнинг асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ушбу соҳаси доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлигидир. Давлат моддий-техник, информацион, технологик, консултатив, маркетинг, таълим хизмати, молиявий таъминот ва бошқа йўналишларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди ва тартибга солиди. Давлат томонидан хусусий тадбиркорликнинг ривожланишини тартибга солишда, улар ўртасидаги ҳамкорликда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан, масалан интернет тизимидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Интернет давлат тендерларининг очиқлигини ва ресурслар тақсимотининг шаффофлиги таъминлайди.



## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий ҳамжамиятига муносиб тарзда кириб боришида кичик бизнес муҳим рол ўйнайди. Чунки кўплаб бизнес таҳлилчилари ва тадқиқотчилар XXI асрда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик қатор мамлакатларда иқтисодиётнинг динамик қисмига айланиб, миллий иқтисодиётнинг тараққиётининг мустаҳкам таянчини ташкил этади деган фикрдалар. Бошқача қилиб айтганда, кичик бизнес ҳар қандай давлатнинг муваффақиятли ривожланиши ва гуллаб яшнашининг асосий негизи бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш шароитида иқтисодиётнинг таянч соҳаси сифатида тан олинган. Шу боис мамлакат ялпи ички маҳсулотининг ўсиш суръатлари ҳамда аҳоли фаровонлигининг ошиши ҳал қилувчи даражада айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига боғлиқ.

## REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Тошкент.// Халқ сўзи, 2020 йил 29 декабрь.
2. Муфтайдинов Қ. Бозор иқтисодиёти шароитида тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. Док. дис. автореферат.- Т.: 2004.- Б.45.
3. «Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги қонун -Т.: “Ўзбекистон”, 2000.
4. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>
5. Шумпетер Й. Теория экономического развития. –М.: 1982. –С.89. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.–М.: 1976. –С.146.
6. Қулматов А.А. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари. Автореферат-Т.: 2004.–21 б.; Муродова Н.К. Кичик бизнес субъектларининг тадбиркорлик фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. Автореферат-Т.: 2008. –.21б.
7. Олимова, Н. Х., & Сотволдиев, Н. Н. (2021). Денежно-кредитная политика государства в обеспечении пропорционального развития реального и финансового секторов экономики. *Cognitio rerum*, (7), 35-39.
8. Олимова, Н. Х. (2021). Анализ развития и факторов конкурентоспособности промышленных предприятий региона. *Cognitio rerum*, (7), 32-35.
9. Олимова, Н. Х. (2019). Пути формирования и эффективного развития стратегии управления персоналом предприятия. Тенденции развития мировой торговли в XXI веке: Материалы VIII, 536.
10. Teshabaeva, O., Abdullaeva, M., & Aminjonova, V. (2022). The role and importance of entrepreneurship and small business in the national economy. *International journal of social science & interdisciplinary research* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 183-191.

11. Olimova, N. K., & Yulchiev, A. O. (2021). Prospects for the food industry development of Uzbekistan. *Ceteris Paribus*, (2), 8-11.
12. Олимова, Н. Х., Тешабаева, О. Н., & Жўраева, Н. Х. Қ. (2022). Ўзбекистонда инновацион жараёнларни такомиллаштириш орқали корхоналар рақобатдошлигини ошириш масалалари. *Scientific progress*, 3(3), 276-282.
13. Kh, O. N. (2021). Prospects for the transition of domestic enterprises to international financial reporting standards (IFRS). *Ceteris Paribus*, (2), 14-17.
14. Olimova, N. K. (2021). Improvement of the human resources management strategy in the enterprises of the real sector. *Cognitio rerum*, (7), 25-28.
15. Olimova, N., Teshabaeva, O., Joraeva, N., & Mamajonova, D. (2022). Ways to increase the competitiveness of enterprises in the conditions of modernization of the economy. *Scientific progress*, 3(3), 270-275.
16. Олимова, Н. Х., & Каримов, Ш. Х. (2020). Реал сектор корхоналарида инновацион янгиликларни жорий қилишнинг ташкилийиқтисодий механизмини такомиллаштириш. In *Минтақа иқтисодиётини инвестициялашнинг молиявий-ҳуқуқий ва инновацион жиҳатлари* (pp. 423-427).
17. Teshabaeva, O., & Qosimov, M. (2022). Priority tasks and ways to solve them in ensuring employment of the population in Uzbekistan. *International Journal Of Social Science & Interdisciplinary Research* ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 148-154.
18. Bunakov, O. A., Akhunova, O. E., Teshabaeva, O. N., Eidelman, B. M., Fakhrutdinova, R., & Valeeva, G. F. (2022). Labor Migration and Legal Routs to Avoid Its Negative Consequences on the Example of the Republic Of Uzbekistan. *BiLD Law Journal*, 7(4s), 521-526.
19. Тешабаева, О. Н. (2022). Аҳоли молиявий саводхонлиги ўсишининг тадбиркорлик фаолияти ва даромадлар даражасининг ошишига таъсири. *Gospodarka i Innowacje.*, 29, 348-355.
20. Тешабаева, О. Н. (2021). Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва аҳамияти. *UzACADEMIA ilmiy jurnali* (pp. 87-97).
21. Тешабаева, О. Н. (2020). Аҳоли даромадларини оширишда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. *Scientific–technical journal of FerPI* (pp. 201-203).
22. Юлчиев, А., Эрматов, Р., & Мохинур, Ж. (2022). Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш. *research and education*, 1(2), 104-111.
23. Zilola, S. (2022). Trends in the development of the industrial sector during the deepening of structural changes in Uzbekistan. *International Journal Of Social Science & Interdisciplinary Research* Issn: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11(10), 167-174.